Ушбу сонда:
2 БИР МАСАЛАГА икки хил муносабат
3 ОЧИҚ ФИКР АЛМАШУВИ
4 ЖУМА ЎГИТЛАРИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 15 октябр, жума № 165 (1798)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИДАГИ УЧРАШУВ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Босния ва Герцеговина ташқи ишлар вазири Младен Иванич раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Босния ва Герцеговина ўртасида савдо, сайёҳлик, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар икки мамлакатда халқаро кўргазмалар, минитехнологиялар, кичик ва хусусий корхоналар маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА)**





Амударё туманида фермерлик ҳаракати йил сайин ривожланиб бораяпти. Улар ўзларига яратилаётган шарт-шароит, имтиёзлардан унумли фойдаланиб, нознеъмат етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатишда «Тўрткўл нефт» унитар корхонаси ҳайдовчиси Саидмурод Рўзимов (ўнгда) ва оператор Баҳодир Жалдибоевнинг муносиб ҳиссаси бор.

**Х.ИКРОМОВ олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ХАЛҚАРО САЙЛОВ АНДОЗАЛАРИ

**Ўн еттинчидан**, халқаро сайлов ҳуқуқида яна бир принцип борки, унда камситиш деб ҳисобланмаслиги зарур бўлган чора-тадбирлар кўзда тутилади. Фуқароларнинг сайловга доир юқорида шарҳлаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қонун билан чекланиши ва бу ҳол камситиш деб ҳисобланмаслиги мумкин:

мамлакат аҳолисининг сиёсий, иқтисодий, диний, ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароит сабабли сиёсий ҳуқуқлар борасидаги қоидалардан аҳолининг асосий қисми билан тенгма-тенг равишда фойдаланиш имконига эга бўлмаган муайян қисми муқобил вакиллигини таъминлаш учун кўриладиган алоҳида чора-тадбирлар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари чекланиши.

. Номзодлар, сиёсий партиялар рўйхатларини кўрсатишда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги чеклашларга фуқароларимизнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти ҳамда шу каби бошқа белгилар асосида камситиш билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилади. Чеклашлар фақат Конституция ва қонунларда белгиланган бўлиши зарур ва миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий фаровонлик, ахлоқ ва маънавиятни асраб-авайлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда асосли қўлланилиши даркор. Бунда чеклашлар давлатнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ келиши шарт.

**Охири.**
**Боши ўтган сонларда**

**(Давоми 3-бетда)**

*Бир Фармон шарофати*

## ТАДБИРКОР АЁЛ

### 90 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади

Хона эшиги очилиб ичкарига кирган жувонни туман раҳбари очиқ юз билан қаршилади.

– Келинг, опа, ишларингиз юришиб кетдими?

– Қишлоғимиздаги ёшлар иш ахтариб турли томонларга кетишмоқда. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида Қорачада ип-йигирув фабрикаси очиш учун жой сўраб келгандим.

– Жойни-ку берамиз, ускунани қаердан оласиз?

– Ускуналарни олиб қўйганман, уни ўрнатсак, бир йўла 90 нафар ёш иш билан таъминланарди. Агар иложи бўлса, фаолияти тўхтаб қолган боғча биносини олсам дегандим...

– У ерни бориб кўрганман. Бинони қайта таъмирлаш учун анча хизмат қилишга тўғри келади. Эплай олармикансиз...

Шу куни Улуғой опа туман ҳокими қабулидан хурсанд бўлиб қайтди. Ўғиллари Аъзамжон ва Улуғбекларни олиб тўғри Қорача қишлоғидаги ташландиқ ҳолга келиб қол-



ган болалар боғчасига йўл олди.

– Ая, - деди тўнғичи Аъзамжон. – Бу ерни обод қилгунча сочимиз оқаради-ку! Яхшиси, туман марказидан тайёр бино олиб иш бошласак бўлмайдими?

– Катта иш ҳамма вақт ҳам ана шундай қийинчилик билан бошланган. Кўз қўрқоқ, қўл ботир деб бежиз айтишмаган. Энг асосийси, қишлоғимизда мўъжазгина фабрика ишлаб турса, шунинг ўзи катта бахт эмасми?!

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги «Меҳнат – роҳат» ширкат хўжалигининг Қорача қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Ас-Анваржон» пиллани қайта ишлаш корхонаси ўз фаолиятини ана шу тариқа бошлади.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Республика Президентининг Фармонида аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш энг муҳим вазифа қилиб кўрсатилган.

Улуғой Қўчқорова хайрли иш бошлаганлиги туман аҳлини қувонтирди. Эндиликда ҳар суткада 200 килограмм пиллани қайта ишлайдиган «КСУ-10» маркали ускуналар ёшларга ишониб топшириб қўйилган.

– Менга бу ишда яқиндан ёрдам берган «Тадбиркор аёл» уюшмасининг вилоятдаги раҳбари Ҳадича Жаъфарова ҳамда ускуналарни жойлаштиришда қўллаб-қувватлаган туман раҳбарларидан миннатдорман, - дейди Улуғой Қўчқорова. – «Миллий банк»нинг Каттақўрғон туман бўлимидан 20 миллион сўм имтиёзли кредит қишлоғимиз ёшларини иш билан таъминлашда асқотганини таъкидлашни истардим.

Ёшлар Каттақўрғондаги «Кумуш тола» пиллани қайта ишлаш корхонасида тажриба орттирдилар. Эндиликда улар 3 сменада меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун асосий хомашё ҳисобланган пилла туман хўжаликларида етиштирилади. Бу эса ортиқча сарф-харажатнинг олдини олади.

Туман ҳокимлиги мутахассиси Эргаш Омоновнинг таъкидлашича, келгусида бундай корхоналар сони ортиб, қишлоқ аёллари, хотин-қизларни иш билан таъминлаш янада яхшиланади.

Бир томони пахтазор ва боғ-роғларга туташиб кетган ушбу корхона ҳовлиси турли анвойи гуллар билан ўралган. Бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай киши табиат гўзаллигидан кўнгли яйрайди. Тадбиркор аёл Улуғой опа бошлаган улуғ ишлар Республика Президентининг Фармони асосида ташкил этилган корхоналардан биридир. Зеро, юртимизда давом этаётган тадбиркорлик ва ишбилармонлик аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имконини бермоқда.

**НУРБЕК**

*Касаба уюшмалари ва йиғим-терим*

## АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

***Бугун республикамиз далаларида йиғим-терим авжида. Хирмон кун сайин юксалиб бормоқда. Дала заҳматкашларининг қўли-қўлига тегмайди. Масъулиятли паллада ҳар дақиқа ғанимат. Табиат инжиқликлари бошланмай туриб ҳосилни йиғиштириб олиш даркор.***

Юрагида ғайрати жўш урган инсон борки, бир четда томошабин бўлиб туролмайди, эл ишига ўз ҳиссасини қўшишга ошиқади. Шижоатли ёшлардан ташкил топган ҳашарчи теримчилар бугунги кунда юртимизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини барпо этишда ўз улушларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ ҳашарчи талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш, уларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва илғор теримчиларни рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси раҳбару фаолларидан бир гуруҳи Сирдарё ва Навоий вилояти пахта далаларида меҳнат қилаётган заршунослар ҳузурида бўлдилар.

Ана шундай учрашувлардан бири Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманида ташкил этилди. Таъкидлаш лозимки, туман пахтакорларига ёрдамга келган Гулистон Давлат университетининг 1500 нафар ҳашарчи талабалари мавсум бошидан буён 1843 тонна пахта терган бўлсалар, Тиббиёт коллежи талабалари эса 1095 тонналик улуш қўшдилар. Учрашувда илғорлар номма-ном тилга олиниб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Хусусан, Гулистон Давлат университетининг кунига 130 килограммдан ортиқ пахта теришга муваффақ бўлаётган 4-курс талабаси Қобилжон Акбаров, 2-курс талабаси Шуҳрат Худойқулов, филология факултети талабалари Фотима Тожибоева, Шоҳида Маликова, табиатшунослик факултети талабалари Лобар Султонова, Зуҳра Ботирова, педагогика факултети талабаси Вазира Жониқулова, 100 килограммчилар — педагогика факултетидан Машҳура Эгамбердиева, физика-математика факултетидан Шерали Алиқулов, Я.Худоёров, иқтисод факултетидан Лазиз Содиқов, Комил Мирзаев, Аъзам Қаландаров, Зайниддин Қўшбоқовлар касаба уюшмалари совғаларини олишга муяссар бўлдилар.

Яхши натижаларга эришаётган пахтакорлар, фермер хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ёддан чиқмади. Улар касаба уюшмалари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Тадбирларда Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши, Оқ олтин туман ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма тармоқ қўмиталари вакиллари иштирок этди.

Навоий вилояти пахта далаларида меҳнат қилаётган теримчилар билан бўлган учрашувлар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Хусусан, касаба уюшма вакилларидан ташкил топган гуруҳ вилоятнинг энг чекка ҳудудларидаги меҳнаткашлар ҳолидан хабар олиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Хатирчи туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги пахта далаларида пахта тераётган ҳашарчи талабалар ўзлари учун яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини билдирдилар. Энг муҳими, ҳар 5 кунда даланинг ўзида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Ушбу ширкат хўжалигида меҳнат қилаётган пахтакорлар ҳам бу йилги мавсумнинг жадал суръатларда бораётгани, пулларини ўз вақтида олаётганлари, ташкил этилаётган маданий-маънавий тадбирлардан мамнун эканликларини билдирдилар.

— Ҳашарчи талабалар иссиқ овқат, қулай ётоқ билан таъминланган, - дейди Навоий Давлат Педагогика институтининг бошланғич таълим услубиёти ва мусиқа факултети 4-курс талабаси Дилнавоз Асадова. —Мен шу кунгача 1945 килограмм пахта тердим. Аъло кайфият меҳнат унумдорлигини таъминлайди, деганларидек, теримчилар учун ташкил этилаётган бу каби тадбирлар теримдаги унумни таъминламоқда. Меҳнат билан топилган нон ширин бўлишига яна бир бора амин бўлмоқдамиз. Чунки шу ернинг ўзида терган пахтамиз учун ҳақ тўланяпти. Давлатимиз томонидан биз талабаларга яратилаётган кенг имкониятлар, катта эътибор, қолаверса, касаба уюшмаларининг бу каби тадбирлари бизни руҳлантирмоқда.

Айни кунда «Зарафшон» ширкат хўжалигида 2500 нафар ҳашарчи талаба йиғим-теримда иштирок этмоқда. 30 нафардан зиёд энг илғор талабалар ва миришкор пахтакорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ушбу ибратли ташаббусини вилоят касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари, вилоят тармоқ қўмита ва вакилликлари ҳам давом эттириб, пахтакорлар, ҳашарчи талабаларга мададкор бўлмоқдалар. Улар учун турли маданий-маънавий тадбирлар, концерт дастурлари, рақс кечалари ташкил этилмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби**

## БИЛИМ ДАРГОҲИ 30 ЁШДА

***Сардоба туманидаги У.Юсупов номли 14-мактаб ташкил топганига 30 йил тўлди. Ана шу муносабат билан ўтказилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ота-оналар, шу мактабнинг қалдирғоч битирувчилари иштирок этишди.***

1974 йилнинг октябрида 400 ўқувчини ўз бағрига олган мазкур билим масканида бугунга келиб чўлқуварларнинг мингга яқин фарзандлари таълим-тарбия олишяпти.

Сўзга чиққанлар босиб ўтилган йиллар самарали бўлганлигини таъкидлаш билан бирга келгуси авлод тарбиясида мазкур билим масқани жамоаси олдидаги масъулият ҳақида ҳам тўхталдилар ва уларга муваффақият тиладилар.

– Жорий ўқув йилида ўқитувчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ диққат-эътибор қаратганмиз, – дейди мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси А.Шукуров, – Эндиликда 7 нафар ўқитувчи иш ҳақининг 15 дан 50 фоизигача бўлган миқдорда устама ҳақ оладиган бўлди.

Тадбирда бир гуруҳ устозлар туман ҳокимлиги ва туман ХТБнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**А.АБДУМАННОПОВ**

*Сўмни тежаб, миллионни бой бераётганлар*

## СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ

***Шу йилнинг 22 сентябри. Кундузги ўнлар чамаси. «Наманган мебел ишлаб чиқариш» акциядорлик жамиятида иш жараёни одатдагидек бир маромда давом этарди. Шу пайт корхона ҳовлисига мебеллар учун хомашё вазифасини ўтайдиган ДСП юкланган «КамАЗ» автомашинаси келиб тўхтади.***

Юкни тушириш ишчилардан Абдулла Сулаймонов ва Қаҳрамон Убайдуллаев зиммасига тушди. Бу осон иш эмас. Чунки юз дона ДСПни автомашина кузовидан эҳтиёткорлик билан тушириш керак. Бироқ юк ярим бўлганида кутилмаган ҳодиса юз берди. ДСПлар ногоҳон қулади. Яхшиямки, яқин орада бошқа юмушлар билан банд бўлган ишчилар зудлик билан ёрдамга шошилдилар. Шунга қарамай, А.Сулаймонов ва Қ.Убайдуллаев яхшигина шикастланди. Масалан, Абдулланинг ўнг оёғи ва қўлининг билак қисми оғир юк босиб қолиши натижасида синди. Унинг шериги Қаҳрамон Убайдуллаевга ҳам жиддий шикаст етказилди, аниқроғи, ўнг оёғининг сон суяклари ва товони лат еди.

Мазкур бахтсиз ҳодисани махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, корхонада меҳнат хавфсизлиги қоидаларига умуман амал қилинмаган. Бу муҳим иш назоратдан мутлақо четда қолдирилган. Меҳнат муҳофазасига масъул ходимлар - корхона муҳандиси А.Адҳамжонов ҳамда цех бошлиғи С.Муҳаммадиевлар томонидан ишлаб чиқариш интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар талаблари етарли тушунтирилмаган. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган меҳнат муҳофазаси бўйича Низом талабларини бажариш ҳам ўлда-жўлда қолиб кетган.

«Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг «Наманган-трансформатор» шўъба корхонасида юз берган кўнгилсиз ҳодиса ҳам, юқорида таъкидланганидек, раҳбарлар ва мутахассисларнинг эътиборсизлиги, ўзибўларчилиги, нўноқлиги сабабли содир бўлди. Чилангар-таъмирловчи Наимбой Мирзабоев прессловчи аппаратни қисмларга ажратиш билан шуғулланаётганида унинг ишини ҳеч ким назорат қилмади. Зарур йўл-йўриқ кўрсатмади, меҳнат хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар бермади. Оқибатда у оғир тан жароҳати олди.

– Юқоридаги бахтсиз ҳодисалар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат техникаси инспектори Аҳмад Йўлдошев, – ҳар икки корхонада ҳам соғлом ва хавфсиз иш шароити яратишда меҳнат хавфсизлиги талабларига етарли даражада эътибор берилмаган. Агар мутасадди раҳбар ходимлар ўз вазифаларига масъулият билан ёндошганларида эди, бундай кўнгилсизликлар юз бермаган, ишловчилар саломатлигига зиён етмаган, қолаверса, корхоналар моддий зарар кўрмаган бўлар эди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ҚАРЗ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИНГ

### акс ҳолда чув тушиб қолишингиз мумкин

***Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, тижорат юритиш ёки турмушнинг бошқа эҳтиёжлари туфайли фуқаролар бир-биридан қарз олиши барча замонларда мавжуд бўлган. Бундай муносабатлар бундан кейин ҳам давом этади. Қарз бериш, олиш, уни қайтаришда қонун талабларига риоя этиш, масъулиятни ҳис қилиш керак.***

Кейинги вақтларда фуқаролар судларга қарз бериш, олиш, қайтаришга оид баҳслар бўйича жуда кўп мурожаат қилишмоқда. Бундай можароларнинг сабаби қонунда кўзда тутилган расмий тадбирларни бажармаслик, ёзма шартнома тузмаслик, қолаверса, ҳафсаласизлик ва ишонувчанликдир. Оқибатда кўпчилик фуқаролар берган қарзларини қайтара олмай чув тушиб қолишмоқда. Бир мисол. Самарқанд шаҳрида яшовчи Антонина Гариб таниши Гулнора Содиқовага 3550 АҚШ доллари миқдорида қарз берган. Қарзни қайтариш муддати ўтиб кетавергач, ички ишлар бўлимига мурожаат қилган. Шундан сўнг Г.Содиқова 150 АҚШ долларини миқдорида қайтариб, А.Гарибга ундан қарздорлиги ҳақида тилхат ёзиб берган.

Айни шу ўринда мулоҳаза юритишга асос бор. Агар Г.Содиқова олган қарзидан тонганида, кейинчалик тилхат ёзиб бермаганида нима бўларди? А.Гариб берган қарзини ундириш имкониятидан маҳрум бўларди. Демак, қарз шартномаси қарз берилаётган вақтда унинг суммаси, қайтариш шартлари ва муддати аниқ кўрсатилган ҳолда тузилиши керак. Г.Содиқованинг тилхати мавжудлиги учун суд қонунга асосланиб, А.Гарибнинг даъвосини қисман қаноатлантирди. Бунинг боиси шундаки, Г.Содиқованинг тилхатида қарзни қайтариш муддати, шартлари (фоизлари) кўрсатилмаган. Г.Содиқова эса суднинг бу қароридан норози бўлиб ёзган апелляция шикоятида қарзнинг катта қисмини қайтарганлигини, атиги 300 АҚШ доллари қолганини, гувоҳлари борлигини баён этган. Гап шундаки, қарздорлиги ҳақида тилхат берган Г.Содиқова қарзни қайтарганлигини ёзма тарзда расмийлаштирмаган. Амалдаги қонунларга мувофиқ фуқаролар ўртасидаги қарз бериш, уни қайтариш ҳолатларини гувоҳлар кўрсатмаси билан тасдиқлаш ман этилади.

Нақд пул ёки мулкий ашё тариқасида қарз олаётган, бераётган фуқаролар қонунларимизнинг қуйидаги талабларини пухта ўрганиб олишлари керак. Яъни, Фуқаролик Кодексининг 733-моддасида фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, ёзма шаклда тузилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Шартномада барча масалалар аниқ ифодаланиши лозим. Яъни, қарз қандай шаклда - сумма (ашё) тўлиқ ёки қисмларга бўлиб берилиши, қачон, қай тариқа қайтарилиши тушунарли тарзда ёзилиши даркор. Шунингдек, бу нотариал тартибда тасдиқланса, янада яхши бўлади. Акс ҳолда чув тушиб қолиш турган гап.

**З.ЖЎРАЕВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси**

## 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

***«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурининг ҳар бир банди эзгу мақсадлар билан йўғрилган, аҳоли кам таъминланган қатламига катта эътибор берилган.***

# ҚАЗОҚДАРЁ ОВУЛИДА

Мўйноқдаги Қазоқдарё овули туман марказидан анча олисда жойлашган. Беш юзга яқин оила истиқомат қилаётган бу қишлоқда 3700 дан ортиқ фуқаро тинч ҳаёт ва фойдали меҳнат билан машғул. Туман ҳокимлиги фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда аҳоли ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ибратли ишларни амалга оширяпти.

– Меҳрга муҳтож, мурувватга ташна қалбларга бир оғиз ширин сўз катта таскин беради, – дейди бу ердаги овул фуқаролар йиғини раиси Тиркес Абдухоликов. – Ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногирон ва ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқароларга доимий ёрдам кўрсатиляпти.

Оролбўйидаги демографик шароит қазоқдарёликлар учун ҳам бир мунча муаммоларни юзага келтирди. Қийинчиликларга қарамасдан чўл одамлари киндик қони томган овулларни ташлаб кетмадилар. Бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, аҳиллик ва иноқликда фидокорона меҳнат қилишяпти. Асосий муаммолардан бири ҳисобланган ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриляпти. Германия техника маркази ёрдамида ҳунармандлик ва маиший хизмати тармоқлари ташкил этилиб, 50 киши иш билан таъминланди. Хорижлик ҳамкорлар томонидан кам даромадли оилаларга 25 тонна буғдой тарқатилди. Бундан ташқари, ўрдак урчитиш инкубатори, ун ва шоли тегирмонлари ишга туширилди. Японияning нодавлат ва нотижорат ташкилотлари дастури асосида жунни қайта ишлаш, ҳунармандчилик ва касаначиликни йўлга қўйиш, ёшларга касб ўргатиш ишларига киришилди.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори экологик ҳолатни мўътадиллаштириш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш билан бирга аҳолининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилашни ҳам назарда тутади, – суҳбатни давом эттиради маҳалла оқсоқоли. – Хайрия мақсадлари йўлида ажратилган маблағларнинг Оролбўйининг олис овулларига йўналтирилиши одамлар кўнглини кўтариб, келажакка ишонч ва умид туйғуларини уйғотди.

Саховатпешалик – инсоний фазилат. Ушбу округдан Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутатлигига сайланган Худойберган Оқназаров ўз ҳисобидан 36 оилага 3 тоннага яқин ун тарқатди. Айни пайтда мактаблар ва болалар боғчаларини таъмирлашда ҳам жонкуяр депутат ҳимматини дариғ тутмаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

# БУЮРТМАЧИ ЭҲТИЁЖИ ҚОНДИРИЛМОҚДА

«Ўз-ДонгЖу Пейнт» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси Андижон вилоятида барқарор ривожланаётган корхоналардан биридир. Корхона автомобил ва қурилиш бўёқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бугунги кунгача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. 226 кишидан иборат корхона жамоаси анча ёш. Ишчи ва мутахассисларнинг аксарияти Жанубий Корея корхоналарида бир йил малака ошириб қайтган. Ўтган йилнинг сентябридан бошлаб «Ўз-ДонгЖу Пейнт»да сифатни бошқаришнинг халқаро тизими жорий этилди. Тегишли сертификат қўшма корхонадаги сифат назорати тизими ёрдамида маҳсулотнинг фойдаланиш хусусиятлари юқори эканлигини тасдиқлайди.

«ЎзДЭУавто»га жўнатиладиган герметика цехи маҳсулоти кузовлар остки қисмини зангдан сақлаш ва товушшовқинни камайтириш ҳамда уланган жойлар чокларини қоплаш учун мўлжалланган. Автомобил бўёқларини ишлаб чиқарувчи цех 50 хил рангдаги маҳсулот етказиб беришга қодир. Талаб катта бўлган баъзи бўёқ ранглари маҳаллий мутахассислар томонидан тайёрланган. «ЎзДЭУавто» билан бир қаторда автобўёқларни «ЎзСемюнг», «ЎзКорамКо» ва «ЎзТонХонг» қўшма корхоналари ҳам сотиб олади. Корхона қурилиш бўёқларига ички бозорда талаб катта. Жорий йилнинг апрелидан бошлаб у Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

– Йилига 2000 тонна қурилиш бўёқлари ишлаб чиқарамиз,- дейди цех бошлиғи Абдухошим Ҳайитов. - Кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бор. Идиш ишлаб чиқариш цехида Жанубий Кореядан келтириладиган тунукадан бир, икки, тўрт литрли думалоқ ва 18 литрли тўртбурчак бўёқ идишлари тайёрланади.

**(ЎзА)**



### ДЎСТЛИК МАРРАГА ЕТДИ

Дўстлик тумани деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Давлат қабул пунктига 46500 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

### УНУТИЛМАС КУН

Қорақалпоғистондаги Амударё тумани пахтакорлари шартнома мажбуриятини бажарди. Давлат қабул пунктларига 32 минг 550 тонна юқори сифатли саноат хомашёси топширилди.



Боғот туманидаги машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти ширкат ва фермер хўжаликларига катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Корхона билан 75 та ширкат хўжалиги ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, шартнома шартлари бекаму-кўст уддаланиб келинаётир. Натижада туманда ғаллачилик ва пахтачиликда белгиланган вазифалар муваффақиятли уддаланмоқда.

**Суратларда: таъмирловчи К.Рўзметов; бош муҳандис А.Матниёзов ва устахона мудири Р.Худойберганов.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

# ШИФОКОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

1-Тошкент давлат тиббиёт институтида умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчи ва магистрантлари бир ҳафта давомида АҚШнинг Оклахома штати оилавий тиббиёт маркази ходимлари билан ўзаро тажриба алмашди. Оилавий шифохоналарда ишни ташкил этиш, хасталикларни даволашда замонавий тиббиёт ютуқларига оид маърузалар тингланди.

- Мен мамлакатингиз мутахассислари билан ҳамкорликда ишлашдан катта завқ олдим,- деди Оклахома штатидаги оилавий шифохона бошлиғи Крис Женкинс ЎзА мухбирига. - Уларнинг билим ва янгиликларга қизиқиши баланд. Биз келажакда ўзимиз фаолият юритаётган соҳада тажриба алмашишни янада кенгайтириш ниятидамиз.

***Мамлакатимиз пахта саноати тизимида иш кун сайин қизғин авж олмоқда. Буни Сурхон воҳасидаги «Термиз пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган ибратли ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жамиятнинг 500 нафарга яқин ишчи-хизматчиси ҳар йили 20 минг тоннага яқин пахтани қайта ишлаб, белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб келишмоқда.***

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ УЧУН
## 20 миллион сўм

Жамият тасарруфидаги «Гулбаҳор» ва «Янгиариқ» пахта қабул қилиш пунктларида ҳам иш пухта ташкил этилган. Қабул қилиб олинган пахтанинг ҳозиргача 2 минг тоннадан зиёди қайта ишланди. Йил якунигача 500 тоннага яқин тола, 10 минг тоннага яқин чигит, 300 тоннадан ортиқ момиқ ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунга эришиш учун ишчи-хизматчилар уч навбатда ишни ташкил этишган.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда имзолаган жамоа шартномасига асосан ишчиларга қулай меҳнат шароити яратиб берилган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ҳозирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳар бир ишчига 120 минг сўм миқдорида тўланмоқда.

Жамиятда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси учун 20 миллион сўм маблағ сарфланди. Барча ишловчилар техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиб, малака синовидан ўтдилар. Улар тўлиқ бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Зарарли шароитда ишлаётганларга ҳар куни бир литрдан сут ва қатиқ текин тарқатилмоқда. Меҳнаткашлар махсус кийим-бош ва иш қуроллари билан таъминланган. Қўшимча тарзда ҳар ҳафтада техника хавфсизлиги қоидалари бўйича бир марта ўқув дарслари ташкил этилган. Натижада ҳиссадорлик жамиятида бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса юз бермади.

- Жамиятимизда маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона мунтазам ишлаб турибди. Ишчиларимиз бўш вақтларида кундалик матбуот нашрлари ҳамда бадиий адабиётлар мутолаа қиладилар, - деди жамият раиси муовини Анвар Қиличев.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ишчи аёлларни ишга келиб-кетишлари учун махсус автотранспорт ажратилиб, уларнинг иш вақтлари бир соатга қисқартирилди. Энг асосийси, ишловчи хотин-қизларнинг барчаси кундузги сменада ишлашга жалб этилди. Шунингдек, ишловчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Ишчиларнинг ювинишлари учун махсус сауна ва душлар ишлаб турибди. Тиббиёт хонаси ҳамда тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар учун жамият ҳисобидан 2 миллион сўм маблағ сарфланди. Ишчи-хизматчиларга махсус жадвалга асосан навбат билан меҳнат таътили берилмоқда. Шу пайтда улар бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот ҳам оладилар.

Корхонада ишчилар меҳнатини қадрлаш билан бирга бу ерда узоқ йиллар ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган фахрийларга ҳам иззат-икром кўрсатилмоқда. Нафақага чиқаётган кекса ходимларга эса иш стажларига қараб, энг кам иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача нақд пул ва қимматбаҳо совғалар берилмоқда. 60 нафар ишчилар «Хонжиза» дам олиш уйида, 20 нафари «Сурхон», «Жайронхона» ҳамда «Ҳазорбоғ» сиҳатгоҳларда, 15 нафари эса республикамиз миқёсидаги сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклашди. Ёзги таътилда ишчи-хизматчиларнинг юз нафардан ортиқ фарзанди жамият ҳисобидан «Вахшивор», «Чашма», Х. Қулниёзов номли болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири**

## Ислоҳот инсон учун

# «СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ»ДА БЕПУЛ ДАВОЛАНИШДИ

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ташвиши билан яшайди. Бу хайрли юмуш амалий ишда, ёрқин фаолиятда акс этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Мирзаобод туман вакили Кўчим Ҳайдаров жиддий эътирозга дуч келди. Муаллимлар ойлик маошини тўлаб беришда узилишларга йўл қўйиляпти. Нега? Бу ҳақли саволга етакчи маъмурият, банк раҳбарларига ёзган талабномаларини рўкач қилиб, сувдан қуруқ чиқиши мумкин эди. Аммо у бундай қилишни ўзига эп кўрмади.

Масала моҳиятига етиш, бу борадаги тўсиқ ва ғовларни олиб ташлашга киришди. Касабақўм банк маъмурияти ҳузурига пўписа билан кириб бормади. Балки соҳа иши билан қизиқди. Улар муаммоси билан ўртоқлашди. Нақд пул тушуми аҳволини таҳлил қилиб кўрди. Маълум бўлишича, ортиқча асаббузарликка сира ҳожат йўқ экан. Мактаб раҳбарлари билан баҳамжиҳат ҳар куни банкка чопмасликка, балки муайян кунларни белгилаб олиш лозим, деган қарорга келди. Натижа кутилганидан ҳам юқори самара берди. Қарздорлик барҳам топди.

Эндиликда ҳар бир мактаб қайси куни пул олишини яхши билади. Бу эса хизмат кўрсатувчи ташкилотга ҳам, мижозга ҳам катта қулайлик туғдиряпти. Ортиқча вақт сарфи, асаббузарликлар ўз-ўзидан барҳам топди.

– 2030 нафар касаба уюшма аъзосини ҳисобга олганмиз, – дейди вакил. – Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга астойдил интиляпмиз. Энг аввало, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Касаба уюшма ташкилотига 12 нафар педагогдан ариза тушган эди. Улар имконият бўлса, бепул даволанишларига имкон яратишларини сўрашганди. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда даволанишга муҳтож барча ўқитувчиларга имтиёз берилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокими ташаббуси билан ўтган ойда 24 нафар халқ таълими ходими Гулистон шаҳридаги «Соғломлаштириш маркази»да бепул даволанди.

Раймжон Муҳаммедов номли 21-мактаб мамлакатда биринчилардан ЮНЕСКО ташкилотига аъзо бўлди. Бу йилги ўқув йилида эса улар жаҳон «Интернет» тизимига уланди. Эндиликда ўқувчилар мамлакатнинг турли тармоқлари билан боғланиб, алоқа қилиш имкониятига эга.

Ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни қўллаб-қувватлаш ташкилот фаолияти асосини ташкил этяпти. Ўтган фурсатда ижтимоий кўмакка муҳтож хонадон болалари бепул дарсликлар билан таъминланди. Ўқувчиларга 13 миллион 500 минг сўмлик иссиқ кийим-бош етказиб берилди. Ёрдамга муҳтож ўқитувчиларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий кўмак берилди.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

# БУХОРОНИНГ БОЛГАРИЯДАГИ БИРОДАРИ

Бухоро шаҳри вакиллари Болгария сафаридан қайтди. Сафарда Бухоро ва Варна шаҳарларининг биродарлашгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Мазкур келишувга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 24-26 ноябр кунлари Болгарияга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлгани таъкидланди.

Энди мазкур икки шаҳар ўртасидаги алоқалар янада ривож топади. Жумладан, Бухородаги «Нигора» ҳиссадорлик жамияти негизида Варнадаги йирик енгил саноат корхонаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил қилинади.

Варна ҳам Бухоро сингари қадим тарихга эга. Бинобарин, икки шаҳар ўртасида сайёҳлик соҳасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилиши табиий.

***Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий масалаларидан бири. Хусусан, жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимларида амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол мисолидир.***

## *Бор бўл, оқибат!*

# КЎПНИНГ ДУОСИ КЎЛ



Бугунги кунда Каттақўрғон шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида 9620 нафар пенсия ва нафақа олувчилар бўлиб, улардан 6098 нафари пенсионерлардир. Боқувчисини йўқотганлар, 16 ёшгача ижтимоий нафақа олувчилардан ташқари иккинчи жаҳон уруши ногиронларига хизмат кўрсатиляпти.

Президентимиз ташаббуси билан 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши соҳа ходимларининг масъулиятини янада оширди. «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурини бажариш бўйича бирмунча ибратли ишлар қилинмоқда.

– Дастур ижросини таъминлаш учун йил бошидан аниқ тадбирларни белгилаб олдик, – дейди бўлим мудири Шермамат Ҳамидов. – Ижтимоий ҳимояга муҳтож 60 нафар ёлғиз пенсионер, 100 нафар кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга моддий ёрдам беряпмиз.

Меҳр ва мурувват йилида саховатли инсонлар кўмаги билан якка-ёлғиз ногиронларга 2 миллион сўмдан ортиқ кўмак берилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари тавсиялари билан жойлардаги муҳтож оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, ижтимоий таъминот бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг Каттақўрғон шаҳри бўйича вакиллиги, халқ таълими бўлими фахрийлари кенгаши билан ҳамкорликда соҳа фахрийларини, ногиронларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилиши ўксик қалбларга малҳам бўлаётир.

Яқинда бир неча йил халқ таълимида ишлаган мураббий, 1-гуруҳ ногирони Нурия Даминова аҳволидан хабар олгани борган ижтимоий таъминот бўлими вакиллари ҳомийлар совғасини топширдилар. Бундай тадбирларни ўтказиш одат тусига кирган. 24 нафар якка-ёлғиз қарияларга уч нафар ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходими хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳарда яшаётган меҳнат фахрийлари, ногиронлар ижтимоий таъминот бўлими ходимларидан миннатдор эканликларини билдиришмоқда. Ғайрат Аҳмедов, Мукаррам Аршетдинова, Матлуба Холмуродова, Акмал Сайфуллаев, Садоқат Рўзиеваларнинг хизматидан ногиронлар мамнун эканликларини таъкидладилар. Ногиронларни протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлашда бир қатор ибратли ишлар қилиняпти. 9 нафар ногирон протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминланган бўлса, 6 нафар ногиронга аравачалар берилди.

**Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири**

**Суратда: Каттақўрғон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Ш.Ҳамидов I гуруҳ ногирони Нурия Даминова ҳузурида.**

## *Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

***Бу йил касаба уюшма Хоразм вилоят қўмиталари жамоа келишувлари ва шартномалари аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратдилар. 11 та ҳудудий келишув, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар билан 1276 та жамоа шартномаси имзоланди. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари – ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни, ёш болали аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, спорт-соғломлаштириш ишлари кучайтирилди.***

# БИР МАСАЛАГА
## икки хил муносабат

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, меҳнаткашлар ҳуқуқлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш, иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, ёш болали, ногирон боласи бор аёлларга таътиллар бериш, иш соатларини қисқартириш, уруш қатнашчилари, байналмилалчилар, пенсионерларга моддий ёрдам бериб бориш, ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш каби масалалар ўтган йилларга қараганда анча яхшиланган. Бошқача қилиб айтганда, жорий йилнинг тўққиз ойида жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун 10 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Жумладан, меҳнат муҳофазасига 3 миллиард 500 миллион, бепул иссиқ овқатга 1 миллион 800 минг, кам таъминланган оилаларнинг болалари билим олишлари учун шартнома (контракт) пулига 3 миллион 300 минг сўм ажратилган.

«Хоразмгаз», «Хоразмтелеком» ҳиссадорлик бирлашмалари, «Ўздунробита» қўшма корхонаси, Урганч миллий банк бўлими касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритилди. Бунинг учун касаба уюшмалари вилоят кенгаши, тармоқ қўмиталари томонидан йил бошида ўқув-семинарлар ўтказилди. Келишув ва шартномалар экспертизадан ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу борада анчагина камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Қурилиш, соғлиқни сақлаш тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари жамоа шартномаларини экспертиза қилишга етарли эътибор бермасдан келмоқдалар. Текшириб кўрилган касаба уюшма ташкилотларининг деярли ярмисида бу иш амалга оширилмаганлиги аниқланди. Айрим ташкилотларда жамоа шартномалари рўйхатдан ўтказилмаган, баъзиларида бу иш юзаки қилинган. Кўпчилик жамоа шартномаларига 2004 йил учун қўшимча тадбирлар киритилмаган. «Энергомонтаж», «Сантехмонтаж» корхоналари, Питнак марказий шифохонаси, «Гурганж» масъулияти чекланган жамият касаба уюшма қўмиталари шулар жумласидандир.

Баъзи корхона ва ташкилотларда жорий йилда қабул қилинган жамоа шартномаларининг бажаралиши касаба уюшма ташкилотлари томонидан назоратга олинмасдан ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Мисол учун, «Хоразмкитоб» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзхимвепт» қўшма корхонаси, Урганч шаҳар ногиронлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, «Электромонтаж», «Боғотавтотрансмаркази», «Матлуботкурилиш» каби ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарида ана шундай камчиликларга йўл қўйилган.

Жамоа шартномалари бажарилишини таъминлаш йўлидаги энг оғриқли нуқта иш ҳақини ўз вақтида тўланишидир. Бу борада вилоят касаба уюшмаларида қатиъятлик, принципиаллик етишмаяпти. Натижада кўпчилик бюджет ташкилотларида икки-уч ойлаб маошдан қарздорлик юзага келмоқда. Бир қатор ташкилотларда эса меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар бажарилмаяпти. Буни троллейбуслар бошқармаси, «Энергомонтаж» корхонаси ҳамда Урганч, Янгибозор туман марказий шифохоналарида кўриш мумкин. Шовот туманидаги «Меҳнатобод» ширкат хўжалигида, Огаҳий номли вилоят театри, Урганчдаги «Сантехмонтаж» корхонасида тан жароҳати олиб, ногирон бўлган ходимларга товон пуллари тўланмай келинмоқда.

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## *Таажжуб!*

# «ПАСТУ БАЛАНДИ»ГА ЕТОЛМАБДИ

***Пахта йиғим-терими қизиган шу кунларда тайёрлов идоралари ходимларининг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Бунда мавсум тайёргарлигини ўз вақтида бекаму-кўст амалга оширганлар ютиши аниқ. Ахир, пахта хомашёсини пешма-пеш қабул қилиб, ташувчи транспорт воситаларини маҳтал қилмаслик катта наф келтириши аниқ.***

Афсуски, ҳамма жойда ҳам мавсумга ҳозирлик бир хилда бўлмади. Сардоба туманидаги «Пахтаобод пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ш.Рашидов номли пахта қабул қилиш пунктида тайёргарлик ишлари қўл учида, нари-бери ўтказилгани маълум бўлиб қолди.

Қабул пунктига олиб борадиган йўл ўйдим-чуқурлигидан қимматли хомашё транспорт воситаларидан тўкилиб, ер билан битта бўлаётир. Дарвозадан кириб тарозидан ўтган транспорт воситалари то ғарамгача чанг-тўзон ичра юришга мажбур.

Пахта ғарамланадиган 41 та майдон етарлича таъмирланмаган, атрофи ўт-ўланлардан тозаланмаган. Бу пахтани сақлашга салбий таъсир этса, иккинчидан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зиддир. Афсуски, пункт ҳалигача махсус ўт ўчириш машинасига эга эмас. Ёнғинга қарши сув ҳавзаларини оқар сув билан тўлғазиш учун атрофи қазиб ташланган, сув ҳамиша ҳам келавермайди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини расмиятчилик учун махсус китобга имзо йиғиш дея англаётган пункт механиги Жўрабой Қўзиев мавсумий ишчиларда ҳам, доимий ишловчиларда ҳам махсус кийим-бош, чангдан муҳофазалайдиган махсус восита бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди. У фақат бугуннинг ташвиши билан яшаётир.

Кўрганларимиз камчилик ва нуқсонлар сабабларини пункт мудири Шодиёр Исмоиловдан сўраганимизда, у елка қисишдан нарига ўтмади. Айтишича, яқиндагина иш бошлаб, пунктнинг пасту баландига ҳали тушуниб етолмабди...

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

